

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РОФИЕВА ГУЛАСАЛ ЮСУБЖОНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИДАН ФРАНЦУЗ ТИЛИГА
КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРАЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
(Эркин Аъзам асарлари асосида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Филология фани бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Рофиева Гуласал Юсубжоновна

Ўзбек тилидан француз тилига концептуал метафоралар таржимасининг
ўзига хос хусусиятлари (Эркин Аъзам асарлари асосида)..... 3

Рофиева Гуласал Юсубжоновна

Специфика перевода концептуальных метафор с узбекского на
французский язык (на материале произведений Эркина Аъзама). 25

Rofiyeva Gulasal Yusubjonovna

Specificity of translating conceptual metaphors from Uzbek into French
(based on the works of Erkin Azam)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РОФИЕВА ГУЛАСАЛ ЮСУБЖОНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИДАН ФРАНЦУЗ ТИЛИГА
КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРАЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
(Эркин Аъзам асарлари асосида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таржима назариясида интегратив ёндашув асосида концептуал метафораларнинг лингвокогнитив, прагматик ҳамда аксиологик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда дунё таржимашунослигида концептуал метафораларнинг миллий-маданий хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, бадиий асарларда берилган концептуал метафораларни аслиятга мувофиқлик даражасини аниқлаш ва унинг семантик-когнитив хусусиятларини тўлиқ очиб бериш масалалари долзарб ҳисобланмоқда. Ўзбек таржимашунослигида замонавий ёзувчилар асарларини чет тилларга таржима қилиш, таржимоннинг метафорик уйғунлаштириш услубини аниқлаш ва дунё маданияти сахнасида миллий асарларимизнинг ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайдиган масалалар ечимига қаратилган тадқиқотлар ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илмий ҳамжамиятида концептуал метафораларнинг бадиий таржимада қайта яратилиши масаласи метафоранинг фалсафий назарий асослари, миллий-маданий хусусиятлари, мазкур кўчимнинг кўп аспекти қирралари тилшунослик ва таржимашуносликнинг лингвокультурологик, лингвопрагматик йўналишлари доирасида амалга оширилмоқда. Зотан, таржима туфайли халқларнинг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатлари, дунёқараши, ҳаётни англаш фалсафаси, бадиий тафаккури тўғрисида тасаввур пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида таржима қилинган ҳар бир асарни қиёсий-типологик жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш, замонавий таржима принципларини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотларни ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик йўналишда олиб бориш лозимлигини талаб этмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек адиблари асарларини бевосита чет тилларига таржима қилишга бўлган эътибор янада кучайди. Бугунги кунда мамлакатимизда «...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹га алоҳида эътибор қаратилиши хорижий тилларга, жумладан, ўзбек тилидан француз тилига таржима қилинган матнларни қиёсий-чоғиштирма аспектда тадқиқ этиш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Эркин Аъзам асарлари французча таржималарида концептуал метафораларнинг аксиологик, гносеологик, праксиологик, креативлик ҳамда когнитив хусусиятларини сақлаб қолиш ва мазкур кўчим таржимасининг замонавий тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда унинг илмий-назарий асосларини белгилаб олиш зарурати ушбу тадқиқотнинг долзарблигини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони//Халқ сўзи, 2017 йил 18 февраль, №28 (6722).

чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Метафораларнинг фалсафий-назарий асослари, мантиқий таҳлили, ёндош кўчимлардан фарқли жиҳатлари, орноментал, праксеологик хусусиятлари ҳамда фалсафий парадигмасини аниқлаш борасида Н.Арутюнова, М.Блек, П.Рикёр, Э.Кассирер, Р.Якобсон ва Э.МакКормаклар илмий тадқиқ қилганлар².

Шунингдек, Ж.Лакофф, М.Жонсон, Е.Гогоненкова, Е.Акишина, Н.Шарбонел, Г.Ермоленко, И.Полозова, М.Merleau-Ponty, V.Pustovalova, D.Montminy, Е.Решетникова, Е.Малышкин ва Д.Ашуровалар³ концептуал метафора тушунчасининг когнитив, прагматик, лингвомаданий жиҳатларини очиқ берганлар. Таржимашунос олимлар Л.Бархударов, А.Швейцер, С.Влахов, С.Флорин, В.Виноградов, А.Федоров, Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, Р.Файзуллаева, Х.Хамраев, М.Холбеков, Ш.Сафаров, И.Тўхтасинов, О.Каримов, С.Сирожиддинов, П.Нишонов, М.Саттарова, З.Салиева, Р.Шириновалар таржиманинг грамматик, лексик, прагматик, стилистик, ҳамда лексикографик

² Арутюнова, Н.Д. Метафора и дискурс / Н.Д. Арутюнова // Теория метафоры: – М.:Прогресс, 1990. – 490 с.; Max Black. *Metaphor.Models and Metaphor.* – London, Cornell University Press, 1962. – 47 p.; Paul Ricoeur. *The Metaphorical Process as Cognition, Imagination, and Feeling.* – Psychology Presse, 2003. – 454 p.; Ernst Cassirer. *Die Kraft der Metapher.* – Berlin, 1925. – 80 p.; Jakobson R. *Selected Writings, vol. 2. Word and Language.* The Hague – Paris, Mouton Publishers, 1971. – 259 p.; Earl R. MacCormac. *A Cognitive Theory of Metaphor.* MIT Press, Cambridge (Mass.) – London, 1985. – 50 p.

³ Лакофф Джордж, Джонсон Марк. Метафоры, которыми мы живем: – Москва, 2004. 250 с.; Гогоненкова Е.А. Метафора в науке: философско-методологический анализ. Автореф.дис... канд.филол.наук. – Москва: 2005. – 24 с.; Акишина Е.О. Метафора как форма выражения философских идей. Дисс.канд.филол...наук. – Новосибирск, 2009. – 169 с.; Nanine Charbonnel. *Métaphore et philosophie moderne. Cf. La Tâche aveugle, vol. I,* – Strasbourg, 1993. – 256 p.; Ермоленко Г.А. Метафора в языке философии. Дисс.канд.философ... наук. – Краснодар, 2000. – 180 с.; Полозова И. В. Метафора как средство философского и научного познания. [Электронный ресурс]: Дисс.док. филос... наук. – М.:РГБ, 2003. URL: <http://diss.rsl.ru/>; Merleau-Ponty M. *Le primat de la perception et ses conséquences philosophiques.* – P.: Éditions Verdier, 1996. – 320 p.; Pustovalova V.V. *Metaphor in Pedagogy: monograph.* – Moscow: Education and ecology, 2016. – 147 p.; David Montminy *La fleche du temps. Analyse philosophique d'une métaphore scientifique.* Université de Montréal, 2015, – 110 p.; Решетникова Е. В. Метафора в постнеклассическом познании : монография / Е. В. Решетникова; Новосиб. гос. архитектур.-строит. ун-т (Сибстрин). – Новосибирск: НГАСУ (Сибстрин), 2013. – 60 p.; Малышкин Е.В. Метафоры памяти в истории философской мысли. Автореф.дисс...канд.философ.наук . – Москва, 2016. – 32 с., Ашурова Д.У. Стилистика в свете когнитивной теории языка./ URL: www.journal.fledu.uz.

муаммоларини ўрганганлар⁴. Ўзбек тилшунослари Ш.Раҳматуллаев, М.Миртожиев, М.Мамадалиева ва Г.Қобулжоновалар ўзбек тили материали асосида метафоранинг миллий-маданий, лисоний, семантик ҳамда когнитив хусусиятларини тадқиқ этишган⁵.

Бироқ замонавий ўзбек адиблари асарларининг французча таржимасида концептуал метафораларнинг миллий-маданий ва лингвокогнитив хусусиятлари ўрганилмаган ҳамда метафоралар таржимасининг замонавий тамойилларини ишлаб чиқиш масалалари қиёсий аспектда тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олиб борилаётган «Таржимашунослик ва тилшуносликнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги концептуал метафораларнинг француз тилига таржимасининг миллий-маданий ва когнитив хусусиятларини аниқлаш ҳамда концептуал метафораларни таржима қилишнинг замонавий тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

метафораларнинг фалсафий-назарий асосларини далиллаш ҳамда концептуал метафоралар тадқиқотининг замонавий ёндашувларини ўрганиш;

замонавий таржимашуносликда «концептуал метафора» тушунчасининг назарий тавсифини аниқлаш;

метафоранинг фанлараро уйғунлигини асослаш ва унинг таржимадаги амалий аҳамиятини очиқ бериш;

⁴ Бархударов Л. Язык и перевод. (Вопросы общей и частной теории перевода) – Москва, 1975. – 240 с.; Швейцер А. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. – Москва, 1988. – 215 с.; С.Влахов, С.Флорин, Непереводимое в переводе. – Москва, 1975. – 180 с.; Виноградов В. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы) – Москва, 2001. – 343 с.; А.Федоров. Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы). – Москва, 2002. – 416 с. Саломов Ф. Литературные традиции и проблемы художественного перевода (Сопоставительный, стилистический и типологический аспекты). Дисс... канд.филол.наук. – Тошкент, 1982. – 196 с.; Мусаев Қ. Бадий таржима асослари. – Тошкент, 2005. – 185 с.; Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод. – Тошкент, 1979. – 230 с.; Хамраев Х. Воссоздание национального колорита произведений узбекской-советской прозы во французских переводах. (на материале произведений Ойбека и А.Каххара) Автореф.дисс...канд.филол. наук. – Т., 2016. – 30 с.; Холбеков М. Французская художественная проза в переводах на узбекский язык (история и переводческий опыт). Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Тошкент, 1982. – 30 с.; Сафаров Ш. Таржиманинг когнитив асослари. Монография. – Тошкент, 2019. – 300 б.; Тўхтасинов И. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш. Филол.фан.докт.дисс...автореф. – Тошкент, 2018.–56 б.; Каримов О. Абдулла Орипов шеърларида метафорик образлар тизими. Филол.фан.докт.дисс...автореф. – Тошкент, 2018. – 56 б.; Сирожиддинов С. Бадий таржимада эквивалентлик ва адекватлик. Филология масалалари. – Тошкент, 2011. – 165 б.; Нишоннов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол.фан.номз...дисс.автореф. – Тошкент, 2009. – 25 б.; Сағтарова М. XIX аср француз бадий адабиётида услуб масаласи. Филол.фан.номз.дисс... автореферати. – Самарқанд, 1997. – 25 б.; Солиева З. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках. Автореф.дисс...канд.филол. наук. – Тошкент, 2016. – 26 б. ; Ширинова Р. Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши. Филол.фан.докт.дисс...автореф. – Тошкент, 2017. – 56 б.

⁵ Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъноси компонент таҳлилининг баъзи натижалари//Ўзбек тили ва адабиёти. №3.–Т.,1986.–Б.16-25.; Миртожиев М. Лингвистик метафоралар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. №4. – Б. 33-37.; Мамадалиева М.Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти. Филол. фанлари номз...дисс.автореф. – Тошкент, – 1998. – Б.30.; Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол.фан.номз... дис. автореф. – Тошкент, 2000, –24 б.

метафоралар таржимасида интегратив ёндашув устуворлигини асослаш;
жаҳон таржимашунослигида мавжуд концептуал метафораларнинг семантик ва когнитив классификациясини ўрганиш;

Э.Аъзам асарларида мавжуд онтологик, ориентацион, структуравий концептуал метафораларнинг хусусиятларини аниқлаш ва уларни таржимада берилишини қиёсий таҳлил қилиш;

бадий асарлар таржимасида концептуал метафораларнинг миллий-маданий ва прагматик хусусиятларини очиб бериш;

жаҳон луғатшунослигида мавжуд метафораларнинг изоҳли луғати борасида қилинган назарий ишларни ўрганиш ва улар асосида ўзбекча французча метафораларнинг изоҳли луғатини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти. Эркин Аъзамнинг «Шовқин» романи, «Пакананинг ошиқ кўнгли», «Аралаш кўрғон», «Ёзувчи» каби асарларида ишлатилган концептуал метафоралар ва уларнинг французча таржималари танланган.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек тилидаги концептуал метафораларнинг миллий-маданий ва когнитив хусусиятларини таржимада қайта яратилишини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий таҳлил, контекстуал, концептуал ва когнитив таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

замонавий тилшуносликда концептуал метафора таржимасида фалсафий-назарий таҳлил парадигматик ёндашув асосида ишботлаган;

«концептуал метафора» терминини ўзбек тилидаги лингвистик луғатларига киритиш зарурати далилланган;

концептуал метафоралар таржимасида таҳлилий ёндашув, мақсад ва манбани ўзгартириш, контекстуал маънони адекват таржима қилиш тамойиллари ҳамда усуллари (тасвирий, трансформацион, калька, муқобил) ишлаб чиқилган;

адекват, калька ва сўзма-сўз таржима усуллари асосида метафораларнинг когнитив-семантик классификацияси яратилган;

тадқиқот доирасида сараланган мисоллар асосида онтологик, ориентацион, структуравий концептуал метафоралар гуруҳлаштирилган ва улар асосида қисқача ўзбекча-французча метафоралар луғатини яратиш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Э.Аъзам асарларида қўлланилган онтологик, ориентацион, структуравий концептуал метафоралар гуруҳлаштирилиб, уларни таржима қилишда замонавий таржима тамойилларини яратиш зарурати борлиги далилланган;

тадқиқот жараёнида аслиятда берилган концептуал метафораларни таржимада берилиши таҳлил қилиниб тўпланган материаллар асосида ўзбекча-французча метафоралар луғати ишлаб чиқилган;

бадий таржимада метафораларнинг миллий-маданий хусусиятларини сақлаб қолиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Эркин Аъзам асарларида учраган гастронмик метафоралар асосида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик «Сайёҳлар учун ўзбекча-французча гастронмик мобил илова» яратилиб Play Market тизимида жойлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва маълумотларнинг илмий ҳамда бадиий манбалардан олинганлиги, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик усуллардан, герменевтика тамойиллари ва қиёсий-чоғиштира таҳлил усулларида фойдаланилганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, «Таржима назарияси ва амалиёти», «Бадиий таржима асослари», «Таржиманинг лингвомаданий асослари» каби олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштиришда қўллаш мумкин. Тадқиқотнинг назарий аҳамиятга молик ўринлари ва алоҳида хулосалари, муаммога илмий ёндашув ва таҳлилда қўлланган тамойиллар ўзбек адабиёти намуналарини дунёнинг бошқа тилларига таржималарини адекват таржима нуктаи назаридан ўрганишга бағишланган ишларда назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва хулосалардан олий ўқув юртларининг таржимон тайёрлашга ихтисослашган факультетларида «Таржима назарияси ва амалиёти», «Бадиий таржима асослари», «Таржиманинг лингвомаданий асослари», «Лексикология», «Амалий таржима», «Ёзма таржима» курсларини ўқитишда, луғатлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишда ҳамда турли методик тавсияномалар тузишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги концептуал метафораларни француз тилига таржима қилиш хусусиятларини ўрганиш жараёнида олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

тадқиқотнинг назарий ва амалий хулосаларидан «Филология ва тилларни ўқитиш (француз тили)» йўналишида таҳсил олувчи талабаларга мўлжаллаб яратилган «Тил кўникмалари интеграцияси» дарслигига киритилган миллий характердаги мавзуларни таржима қилишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 531-сонли муаллифлик гувоҳномаси). Дарсликка киритилган матнлар замонавий авлод дарсликларини лингвомаданий, лингводидактик материаллар билан бойитишга хизмат қилган;

ўзбек тилидаги бадиий матнларни француз тилига ўгиришда миллий-маданий хусусиятларини сақлаб қолиш ҳақидаги илмий-назарий хулосалари ва тавсияларидан Alliance Française de Tachkent ташаббуси билан «Таржимонлар ва гидлар тайёрлаш олий мактаби» (Франция) экспертлари иштирокида ташкил этилган халқаро тадбирда фойдаланилган. (Тошкентдаги Француз Альянснинг 2020 йил 4 августдаги № 1-сонли маълумотномаси). Диссертация тадқиқотида ишлаб чиқилган метафораларнинг когнитив-семантик классификацияси ва концептуал метафоралар таржимасининг замонавий тамойиллари аслиятни идрок қилиш алгоритминини яратиш имконини берган;

Ўзбек тилидаги концептуал метафораларнинг қиёсий таҳлилини ўрганиш жараёнида тўпланган мисоллардан «Ўзбекча-французча метафоралар луғати (Эркин Аъзам асарлари мисолида)»ни тузишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 7 августдаги № 002345 гувоҳномаси). Мазкур луғат ўзбек тилидаги метафораларнинг икки ва кўп тилли таржима луғатини яратишда амалий восита бўлиб хизмат қилган;

Ўзбекистонда гастронимик туризмни ривожлантириш ва миллий таом номларининг чет эллик сайёҳларга тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида «Сайёҳлар учун гастронимик луғат» дастурий восита ишлаб чиқилган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг 2019 йил 9 январдаги № DGU 06 376 гувоҳномаси) Мазкур луғатда қўлланилган миллий таомларга хос бўлган гастронимик метафораларнинг ясалиши, аслиятдаги метафораларни таржима тилида ўгириш принциплари соҳа бўйича махсус икки тилли луғатлар яратишга асос бўлиб хизмат қилган;

тадқиқот ишининг назарий хулосаларидан, адекват таржима яратишда таржимон маҳорати, лингвистик ва экстралингвистик билимларнинг муҳимлигини очиб беришдаги назарий хулосалардан ЁА 1-06 2012-2013 «Профессионал таржимонларни тайёрлашда сифат назоратини ташкиллаштиришга компонент ёндашув» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 февралдаги 89-03-2756-сон маълумотномаси). Натижада, адекват таржима яратиш тамойиллари, таржимоннинг идеоуслуоби каби илмий хулосаларидан таржима назарияси ва амалиёти, бадиий таржима асослари каби фанларнинг бойитишга хизмат қилган;

Ўзбек адиблари асарларини таржима қилишда таржимон маҳорати, адиб ва таржимон услуби муҳимлиги тўғрисидаги амалий хулосаларидан «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Тилга эътибор» ва «Ассалом, Ўзбекистон!» кўрсатувларида фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 6 августдаги 33-33-497-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-назарий ҳамда илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика анжуманида маъруза шаклида баён қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш ва 1 та дарслик чоп этилган. Шулардан, 3 та илмий мақола республика, 3 та илмий мақола хорижий илмий журналларда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 129 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади, вазибалари, объекти ҳамда предмети белгиланган. Мавзунинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, шунингдек, амалий натижалари баён этилиб, натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, эълон қилинган ишлар, ишнинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб замонавий тилшуносликда концептуал метафоралар тадқиқотининг фалсафий-назарий асосларига бағишланган бўлиб, ушбу боб учта бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда метафоранинг фалсафий парадигмасини аниқлашга қаратилган. Метафораларнинг фалсафий-назарий асосларини ўрганишда асосий эътибор ушбу кўчим таржимасида мантиқий таҳлил устуворлигига қаратилган бўлиб, айнан таржима жараёнида фалсафий асосларнинг аҳамияти доирасидаги тадқиқотлар ўрганилган. Жумладан, Н.Шарбонел, Е.Акишина ва П.Рикёрлар⁶ илмий тадқиқотларида метафора фалсафий-назарий жиҳатдан ўрганилган ҳамда метафораларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш жараёнида мантиқий таҳлил зарурияти очиб берилган. Чунинчи, В.Канкнинг таъкидлашича, ҳар қандай аниқ илмий тадқиқот фалсафий таҳлилсиз етарлича самарали бўла олмайди⁷. Шунингдек, параграфда бугунги кунда турли соҳаларда кенг ўрганилаётган метафора файласуф олимлар назариялари орқали тилшунослик, таржимашунослик ва адабиётшуносликка кириб келганлиги асосланган.

Файласуф олим М.Блэк фанга «когнитив метафора» тушунчасини олиб кириб, метафорага шунчаки орноментал (нутқ бебағи) восита сифатида эмас, балки чуқур моҳиятга эга ҳодиса эканлигини очиб берди⁸. Мазкур тушунча асосида метафоранинг когнитив назарияси шаклланганлиги ва ушбу назария асосида «концептуал метафора» тушунчаси ўрганилиши тадқиқотларда кўриб чиқилди. А.Ричардс⁹ фикрлари асосида М.Блэк метафора назариясини ўрганишдаги интеграцион ёндашувни ишлаб чиққан. Биз ҳам ўз тадқиқотимизда концептуал метафоралар таржимасини ўрганишда М.Блек ва А.Ричардсларнинг интеграцион ёндашув назарияларига асосландик.

Таржимада концептуал метафораларнинг праксиологик хусусиятларини сақланиб қолиши таржима адекватлигини таъминловчи асосий омиллардан бири эканлиги ишимизда кўриб чиқилди. Шунингдек, праксиологик хусусият ҳаракатнинг бажарилиши эмас, балки ҳаракатга ундаш ва йўл кўрсатиш мазмунини англаштириш таҳлил қилинган манбалар асосида исботланди¹⁰.

⁶ Nanine Charbonnel «Métaphore et philosophie moderne» Cf. N. Charbonnel, La Tâche aveugle, vol. I, Les Aventures de la Métaphore ; vol. II, L'important, c'est d'être propre ; vol. III, Philosophie du modèle.—Strasbourg, 1993. — 3- p.; Акишина Е.О. Метафора как форма выражения философских идей. Дисс.канд.филол...наук.—Новосибирск,2009. — 169 с.; Ricoeur P. La métaphore vive.—P.: Edition du Seuil. 1975. — 242–272-р.

⁷ Канк В. А. Формы времени. — М.:Едиториал, УРСС, 2002. — 230 с.

⁸ Блэк М. Метафора // Теория метафоры. — М.: Прогресс, 1990.—153–172-с.

⁹ Ричардс А. Философия риторики. // Теория метафоры. — М.: Прогресс, 1990. — 44–67 - с.

¹⁰ Nanine Charbonnel «Métaphore et philosophie moderne» Cf. N. Charbonnel, La Tâche aveugle, vol. I, Les Aventures de la Métaphore ; vol. II, L'important, c'est d'être propre ; vol. III, Philosophie du modèle.—Strasbourg, 1993. — 3-р.

Тадқиқотимизда метафоранинг файласуф олимлар томонидан берилган қуйидагича фалсафий-назарий асослари мавжудлигини аниқладик:

1. Антик таъриф: метафора нутқ беағи сифатида;
2. Метафора – инсон тафакқурини ўлчовчи омил;
3. Чуқур семантик, когнитив ва прагматик хусусиятга эга феномен;
4. Метафора – узоқ йиллар тўпланган тажриба ва билимларнинг нутқда (сўз, жумла, гап ёки матн орқали) кенг маънода қўлланилиши.

«Тилшуносликда метафорларни ўрганишга замонавий ёндашув» деб номланган бўлим метафоранинг когнитив назариясини ўз ичига олади. Бугунги кунда когнитив тилшунослар метафорага онгнинг қийсий-тахлилий фаолияти сифатида баҳо беришмоқда. Яъни тилда мавжуд бўлган ҳар бир сўз айнан ўхшатиш асосида шаклланган бўлиб, бунда метафора таянч когнитив механизм сифатида хизмат қилади¹¹. Ушбу тавсиф метафорани когнитив лингвистиканинг марказига олиб чиқди ҳамда Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар томонидан «концептуал метафора» тушунчасининг фанга олиб кирилишига туртки бўлди.

Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар таъкидлашича, мақсад ҳамда манбанинг бирлашуви орқали юзага келувчи концептуал метафоралар қуйидагича таърифланган: «Устойчивые соответствия между областью источника и областью цели, фиксированные в языковой и культурной традиции данного общества, получили название «концептуальных метафор»¹²». Яъни ушбу жамиятнинг тил ва маданият аъналаридида мустақамланган манба майдони ва мақсадли майдон ўртасида барқарор мувофиқлик «концептуал метафора» деб номланган. Лакофф ва Жонсон тадқиқодларида кундалик нутқда мавжуд мисоллардан фойдаланган бўлсаларда, турли соҳага оид нутқлардаги метафораларнинг ҳам концептуаллашувини чегараламаган. Шунинг учун ҳам кейинчалик концептуал метафора назарияси турли матнлар мисолида, хусусан, бадиий матнда ҳам ўрганила бошланди. Тадқиқотимизда бадиий матнда концептуал метафоралар когнитив таҳлил асосида шакллантирилганлиги назарий манбалар асосида кўриб чиқилган.

Шунингдек, ғарб тилшунослари И.Коломба, А.Козасеану, Ф.Греа¹³, рус тилшуносларидан К.Филатова, Е.Сахарова ҳамда Т.Белова¹⁴ ўз тадқиқотларида «концептуал метафора» тушунчасига илмий-назарий тавсиф бериб ўтган. Ўзбек тилшунослари О.Каримов, И.Тўхтасинов ва З.Солиевалар¹⁵ мазкур тушунчадан

¹¹ Филатова К.Л. Когнитивное исследование зрительной метафоры во французском языке в сопоставлении с русским языком. Автореф. дисс... канд.филол.наук. – Екатеринбург, 2009. – 24 с.

¹² Лакофф Джордж, Джонсон Марк. Метафоры, которыми мы живем. – М.: Едиториал, 2004. – 256 с.

¹³ Colombat Isabelle. Le discours imagé en vulgarisation scientifique étude comparée du français et de l'anglais, thèse de doctorat. – Québec, 2005. – 22- p.; Anca Cosaseanu. Métaphore conceptuelle, Université de Bucarest, 2017, – 2- p.; Philippe Gréa. La théorie de l'intégration conceptuelle appliquée à la métaphore et la métaphore flée. Linguistique. Université de Nanterre. – Paris X, 2001. – 11- p.

¹⁴ Филатова К.Л. Когнитивное исследование зрительной метафоры во французском языке в сопоставлении с русским языком. Автореф. дисс... канд.филол.наук. – Екатеринбург, 2009, – 24 с.; Сахарова Е.А. Изобразительно-выразительный потенциал когнитивной метафоры. Автореф. дисс... кан. фил. наук. – Белград, 2015. – 32 с.; Белова Т.М. Гендерная метафора как отражение культурного концепта «маскулинность» во французском языке. Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Кемерово: 2007. – 10- с.

¹⁵ Каримов О.Я. Абдулла Орипов шеъринида метафорик образлар тизими. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2012. – 46 с.; Тўхтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси

тадқиқот доирасида фойдаланган бўлсаларда, ишда концептуал метафора тушунчаси ўзбек тилида қандай таърифланиши тўғрисида ягона, тугал илмий фикр билдирилмаган. Шунинг учун ҳам, тадқиқотимизда ғарб олимлари назариясига таянган ҳолда, «концептуал метафора» феноменини қуйидагича таърифладик ва бу таърифни ўзбек тилидаги лингвистик луғатларга киритиш заруратини ўз ичимизда асослаб ўтдик: «Маълум бир тушунча ёки тасвири ифодалаш учун икки ва ундан ортиқ концептлар бирлашувидан ҳосил бўлган тасвирий ифода – кўчим жамланмаси концептуал метафорани ҳосил қилади».

Биринчи бобнинг учинчи бўлими метафоранинг фанлараро ўрганилиши масаласига бағишланган. Метафоранинг фалсафий ва лингвокогнитив назариялари замонавий илм-фанда тафаккурнинг яратувчанлик тамойилларини ўрганишга имкон берди. Айниқса, метафоранинг “эмпирик хусусияти ва унинг таянч когнитив механизм сифатидаги роли¹⁶” турли соҳаларда амалга оширилаётган ўхшатиш, қиёслаш ҳамда яратиш асосидаги тизимли боғлиқлик ушбу феномен номини олишига сабаб бўлди. Фаннинг турли жабаҳлари, жумладан, спорт, архитектура, санъат, киноматография, сиёсат, математика, физика, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳалардан реклама, маркетинг, хизмат кўрсатиш (сартарошхонада соч турмаклари номи, ресторанларда таом номлари) каби бир қанча тармоқларда метафоризация жараёни мавжудлиги ҳамда унинг амалий самарадорлиги тадқиқотларни ўрганиш жараёнида аниқланди.

Иккинчи боб «Метафоралар таржимасида интегратив ёндашув» деб номланган бўлиб, мазкур бобда замонавий таржимашуносликда метафорани чет тилларга ўгириш тамойиллари ўрганилган. Хусусан, таржимашуносликда концептуал метафоралар тадқиқи, метафора таржимасида концептуал интеграциянинг аҳамияти ва қўлланилиш босқичлари очиқ берилган.

Филип Греа¹⁷ тадқиқига кўра, концептуал интеграция назарияси ва концептуал метафора назариялари асосида когнитив билимлар туради, бироқ концептуал метафора назарияси инсон тафаккуридаги билимларнинг икки кутбли асосда ўрганса, концептуал интеграция назарияси тўрт томонлама ўрганади. Интегратив ёндашувнинг қўлланилиш жиҳатлари турлича талқин қилинсада, мақсад битта, яъни метафоранинг мукамал таржимасига эришишдан иборатдир. Ушбу ёндашув орқали метафоранинг аниқ таржимаси юзага чиқса, концептуал метафора назарияси воситасида нутқдаги турли тарқоқ жумлалар маълум бир тизимга солинади.

Изабел Коломба¹⁸ таъкидлашича, таржимашуносликнинг мукамаллиги шундаки, у назариётдан кўра кўпроқ амалиётга хосдир. Хусусан, метафоралар

асосида ривожлантириш. Филол.фан.док... дисс. – Тошкент, 2018. – 101 б.; Солиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках. Дисс.канд.филол....наук. – Ташкент, 2010, – 35-36 - с.

¹⁶ Лакофф Джордж, Джонсон Марк, Метафоры, которыми мы живем: Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А.Н.Баранова. – М.: Едиториал, 2004.–205 с.

¹⁷ Philippe Gréa. La théorie de l'intégration conceptuelle appliquée à la métaphore et la métaphore filée. Linguistique. Université de Nanterre. – Paris X, 2001. – 121 p.

¹⁸ Colombat Isabelle. Le discours imagé en vulgarisation scientifique étude comparée du français et de l'anglais, thèse de doctorat, Québec, 2005,– 22- p.

таржимаси тамойилларини жорий этиш амалий ёндашувларсиз бўлмайди. О.Н.Алёшинанинг таҳлиliga кўра, интегратив ёндашув асосида когнитив-семантик хусусиятлари ўрганилмаган метафораларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириб бўлмайди¹⁹. Метафоралар таржимасининг мураккаблиги, уларда миллий характер, дунёқараш ва маданиятнинг бир пайтда акс этишидадир. Таржимашунос олимлар метафораларни икки томонлама тушунча сифатида намоён этувчи концептуал метафора назарияси интеграцион ёндашув асосида таржима қилиш амалиётини ижобий баҳолаши тадқиқотимизда ўз исботини топган.

Тадқиқот жараёнида дунё таржимашунос олимларининг метафора таржимаси хусусидаги фикрлари асосида қуйидагича тамойил схемаси шакллантирилди:

**1 – чизма: “Тўйдан олдин ногора қокмок”
метофорик ибора таржимаси**



Мазкур чизма метафора таржимаси тамойилларини ўзида акс эттириб, адекват таржима учун кўрсатма сифатида хизмат қилади. Концептуал метафоралар таржимаси жараёнида мақсад ва манбанинг умумий хусусиятлари аниқланиб, аслиятдаги метафоранинг чет тилида муқобили топилишини осонлаштиради.

«Метафоранинг когнитив-семантик таснифи» деб номланган бўлимда метафораларнинг қайси гуруҳга мансублиги, метафораларни гуруҳлаштириш, когнитив, семантик ва структуравий хусусиятига кўра турларга ажратиш каби масалалар ўрганилган. К.С.Филатов таъкидлаганидек, метафорик жараён икки компонентдан ташкил топган: семантик ва когнитив компонентлар²⁰. Шу жиҳатдан метафоралар, асосан, икки хусусиятига кўра таснифланади.

¹⁹Алешина О.Н. Семантическое моделирование в лингвометафорологических исследованиях (на материале русского языка). Дисс.док.филол.... наук. – Новосибирск, 2003. – 240 с.

²⁰Филатов К.С. Метафора как способ развертывания журналистского текста. Дисс.канд. филолол... наук. – Санкт-Петербург, 2015. – 12-с.

Концептуал метафора назарияси муаллифлари Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар уларни уч гуруҳга ажратишган, яъни ориентацион метафора, онтологик метафора, структуравий метафора²¹.

Ориентацион метафоралар инсонларнинг фикр мулоҳазаларидаги тасвирий ифодалар маълум бир жой ёки йўналишга ишора берилишини англатади. Онтологик метафоралар ҳам концептуал метафораларнинг навбатдаги тури бўлиб, мавҳумликнинг мавжудликка айланишини таъминлайди. Структуравий метафоралар деганда, инсон тафаккурида мавжуд мураккаб тизимли тушунча орқали бошқа бир сўз моҳияти шаклланишини англаш мумкин.

Шунингдек, тадқиқотимизда метафоранинг турли жиҳатларига кўра таснифланишини ўрганиб чиқдик. Хусусан, табиат неъматлари билан биргаликда инсон омилини ҳам ўзида мужассамлаштирувчи гастронмик метафоралар фикримизга мисол бўла олади. Л.В.Гушина гастронмик метафораларнинг миллий маданиятни акс эттирувчи вазифаларини юқори баҳолаб, озиқ-овқатга доир сўзларнинг турли иборалар ташкил этиши халқларнинг ушбу маҳсулотларга нисбатан муносабатини кўрсатишини таъкидлайди²². Нутқда қўлланилувчи «руҳий озуқа» ва «жисмоний озуқа» тушунчалари доирасида тузилувчи ибораларни мисол тариқасида келтириб ўтади.

«Бадий асарларда концептуал метафоралар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари» мавзусидаги бўлимда бадий матнда метафоралар концептуаллашуви зарурияти ва унинг таржимадаги лингвокультурологик жиҳатлари ўрганилган.

Т.Г.Папова ва Е.В.Курочкиналар²³ бадий матнда метафоралар концептуаллашувининг долзарблиги ва самарали жиҳатларини таҳлил этган. Олимлар инглиз ҳамда америка адабиёти намуналаридан 303 та концептуал метафораларни таҳлил қилиб, инглиз тилида сўзловчи америкаликларнинг ўзига хос мулоқот қонуниятлари, суҳбатлашиш меъзонлари, шунингдек, маданий тажрибалари тўғрисида керакли маълумотларни аниқлаштиришган.

Dominique Legallois²⁴ Эмил Золя асарларидаги метафораларни когнитив таҳлил этиб, уларни категорияларга ажратган. Айнан ушбу тадқиқотчи бадий адабиётдаги мисолларнинг когнитив нуқтаи назардан таҳлил этилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг камлигини ва ушбу йўналишдаги тадқиқотларни кўпайтириш лозимлигини таъкидлайди. Тилшунос тавсифига кўра когнитология ва бадий адабиёт бир-биридан узоқ йўналишлар, бироқ айнан метафора орқали ҳар икки йўналиш яқинлаша олади.

Француз адабиёти ва унинг славян тилларидаги таржимасини қиёсий таҳлил этган Anca Cosaceanu ҳам бадий адабиётлардаги маъно-мазмуннинг

²¹ Лакофф Джордж, Джонсон Марк, Метафоры, которыми мы живем: Пер. с англ. / Под ред. и с предисл. А.Н.Баранова. – М.: Едиториал, 2004.– 205 с.

²² Гушина Л.В. Классификация гастронмических метафор (на материале современных англоязычных СМИ)/Оставь свой след в науке. – Москва. 2013. – 45- с.

²³ Папова Т.Г. Курочкина Е.В. Метафора как языковой и ментальный механизм в создании образно-эстетической составляющей художественного произведения. – Москва. 2014. – 45-с.

²⁴ Dominique Legallois. L'approche cognitive de la catégorisation par métaphore : illustration et critique à partir d'un exemple d'E. Zola. – Paris, 2008. – 65- p.

ёритилишида метафоралар концептуаллашувини муҳим омиллардан бири эканлигини таъкидлайди. Анка Козасеанунинг (Anca Cosaceanu) фикрича, бунда тизимли ўрганиш асарни тушуниш учун қулай бўлиши билан бирга таржиманинг адекватлигини ҳам таъминлашда қўл келади²⁵.

Ивон Керомн²⁶ эса Лакофф ва Жонсонлар таклиф этган концептуал метафоралар ва улардаги мисоллар фақат кундалик нутқ фаолияти эмас, балки барча нутқ шаклларида фаол бўлган метафораларни қамраб олиши мумкинлигини исботлаб берди.

Ўзбек тилшунос олимларидан Д.У.Ашурова²⁷ стилистиканинг когнитив назария нуктаи назаридан ўрганиш жараёнида бадий матнларнинг концептуал структурасини ўрганиш замонавий тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлаган. Бизнинг фикримизча, концептуал метафора назарияси Д.У.Ашурова таъкидлаган структурани бадий матнда ҳам шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

У.Жўрақулов янги давр ўзбек насрида пайдо бўлаётган бадий тамойиллардан бири воқеликни метафорик (истиоравий) қабул қилиш экани ҳақида гапириб, асар композицияси ўрнини истиора қолипи (метафорик модел) эгаллашини, натижада ҳикоянинг макон-замон қамрови улканлашиши ва маъно қўлами кенгайишини алоҳида эътироф этган.²⁸

Ғ.Саломов таржимада асар қаҳрамонининг феъл – атвори берилишини таҳлил этар экан, инсонлардаги такрорланмас руҳият, хусусият ҳақида шундай дейди: “Ҳамма учун онг ва психикавий ягона стереотип бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослигини тушуниш учун умумий нарсани конкрет воқеъ бўлишинигина эмас, балки худди шу халқнинг ўз тажрибасидан келиб чиққан конкрет такрорланмас нарсани аниқлаш керак²⁹”. Яъни, таржимашунос олим фикрига таянадиган бўлсак, миллийликни асарда бериш учун аниқ ифодаланувчи нарса ёхуд ҳодиса номидан фойдаланишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки унда маълум бир халққа тегишли бўлган хусусиятлар, ўзига хос феъл-атвор ҳамда миллий қадриятларнинг ёритилиши ушбу асарнинг янада мукамал бўлишини таъминлайди.

Учинчи боб «Э.Аъзам асарларининг французча таржимасида концептуал метафораларнинг қайта яратилиши» деб номланган бўлиб, бунда тадқиқотнинг амалий жиҳатлари ўз аксини топган. Ўзбек тилидаги концептуал метафораларнинг французча таржимасининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда Э.Аъзамнинг тўртта асар намуналари ва уларнинг Ш.Миноваров томонидан қилинган таржималари ўрганиб чиқилди. Тадқиқот жараёнида 500 дан ортиқ метафоралар аниқланиб, шундан 250 таси таҳлилга тортилди. Асарларни таҳлил этиш жараёнида қуйидаги статистик маълумотлар аниқланди:

²⁵ Anca Cosaceanu. *Métaphore conceptuelle*. Université de Boucares, 2017, – 143 с.

²⁶ Yvon Keromnes. *Les Métaphores et leur traduction dans la vie quotidienne*. URL : <https://hal.archives-ouvertes.fr>

²⁷ Ашурова Д.У. *Стилистика в свете когнитивной теории языка*. URL: www.journal.fledu.uz

²⁸ Жўрақулов У. *Назарий поэтика масалалари*: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2015. – 260 б.

²⁹ Саломов Ғ. *Таржима ташвишлари*. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1983, – 42-б.

2 – чизма: Э.Аъзам асарларидаги концептуал метафораларнинг статистик классификацияси



Таҳлилга тортилган метафоралар оригиналлиги, таржимада берилиши ва матн мазмунидаги таъсир даражасига биноан саралаб олинди. Ориентацион, структуравий ва онтологик метафоралар таркибига кирувчи таснифларни метафораларнинг семантик турларига оид манбалар асосида кенгайттирдик.

Биринчи параграфда «Аралаш кўрғон» ва «Ёзувчи» ҳикояларида концептуал метафоралар ва уларнинг француз тилида берилиши таҳлил қилинган. Метафоралар мазмунини ёритишда Эркин Аъзам идеоуслуоби ва унинг ўзига хос жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Адабиётшунос олимлар Ш.Тошхўжаева, Г.Сатторова ва Ш.Ботироваларнинг Э.Аъзам асарлари тадқиқига бағишланган илмий ишлари таҳлил этилди.

Маълум бир мавҳум тушунча таржимасини чуқур ўрганиш битта мақсадга қаратилган метафораларни ўз концепти доирасига бирлаштиришни тақозо этади. Масалан, ёзувчи «бахт» тушунчасини ифодалашда турли тасвирий воситалардан фойдаланган, бироқ, энг кўп учрайдиган ҳолат бахтнинг ёруғликка (нур, илиқлик, ойдинлик ва ҳ.) қиёсланишидир. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бахт ёруғликнинг айнан ўзида кўрилган. «Бахт бу - ёруғлик» концептуал метафораси қуйидаги мисолларда ўз ифодасини топган:

Аслиятда:

«Бир куни директор уни ҳузурига чорлаб, *истараси иссиқ*, ўзи жуда баҳайбат бир одам билан таништирди»³⁰.

Шоазим Миноваров таржимаси:

«Le directeur le fit venir un jour dans son bureau et le présenta à un homme, *un véritable géant*»³¹.

Навбатдаги мисол, аслиятда:

«Пойтахтга туташ боғдорчилик туманларидан бирида колхоз раиси экан. Қаранг, *машъал раис* бўла туриб, шу одам ҳам *дарди беъдавога йўлиқибди* – *ёзар экан*»³².

³⁰ Аъзам Э. Жаннат ўзи қайдадир. Бир йил битиклари. (Ҳикоялар, кинокиссалар, драматик асар ва публицистик миниатюралар) – Тошкент, 2007. – 2-б.

³¹ A'zam E. Adieux aux contes de fées. Publishing House of the Alisher Navoi National Library of Uzbekistan. – Tachkent, 2015. – 275-р.

³² Ўша асар. –2-б.

Шоазим Миноваров таржимаси:

«Bien que son poste fût important, cet homme, *avant-gardiste*, était atteint d'*une maladie incurable: l'écriture*»³³.

Аслиятда:

«Муаллифнинг нимасидир муҳаррирга ёққан эди. Директор вазифа юклаётганда шундай баҳайбат одам, яна денг – раис, *маишъал раис унга аллақандай илиқлик* билан тикилиб турди»³⁴.

Шоазим Миноваров таржимаси:

«Il y avait chez le directeur de kolkhoze quelque chose qui plaisait à notre jeune rédacteur. Par exemple, l'éditeur avait confié au jeune rédacteur cette importante mission, le geant, directeur de kolkhoze l'avait regardé *humblement et avec respect*»³⁵.

«Бахт» ва «ёруғлик» концептлари дунёда мазмунан муштарак ва умуминсоний қадриятларга хос тушунчалардир. Уларнинг бир-бирини тўлдириб келиши турли миллат вакиллари тилида кузатиладиган ҳолатдир³⁶. Шунинг учун ҳам бундай муштараклик таржиманинг муқобиллигини таъминлайди. «Бахт бу – ёруғлик» концептуал метафораси структуравий турга хос бўлиб, икки йирик концептнинг эстетик хусусиятлари ўзаро ўхшатишган. Мазкур мисоллар метафоранинг алломорфик хусусиятини ўзида акс эттириб келган бўлса, баъзи ўринларда, хусусан, натруморф метадоралар турига хос концептуал метадораларнинг берилиши манба турига кўра француз тилидаги таржимасидан фарқ қилади. Масалан:

Аслиятда:

«*Кесакдан – ўт денг? У кишимга нима экан? Ё савдогар билан бирон олди-бердиси борми?*»³⁷.

Таржимон таржимаси:

«*C'est bizarre ! que veut-il ? souhaite-il passer un accord avec le commerçant ?*»³⁸.

«Инсон – тупроқ» концептуал метафораси француз тилида «*C'est bizarre*», яъни «бу ғалатику» мазмунида таржима қилинган. Таржимада ибора тушириб қолдирилган бўлсада, матн мазмунига жиддий таъсир этмаган. Бироқ таржимада қахрамоннинг феъл-атворида хос бўлган жиҳат саёзлашган. Шунингдек, тилда мавжуд иборалар асарнинг бадииятини бойитиб, китобхонга ҳаётий ҳамда руҳиятга оид тажрибалар ҳақида билим беради, эстетик завқ бағишлайди. Бизнинг фикримизча, ушбу ибора ўзининг метафорик хусусиятини сақлаб қолган ҳолда қуйидагича таржима қилинса, таржима тили соҳиблари учун янада таъсирчан ва шарқона фалсафий маъно ҳамда мазмунни етказиб беришга эришиларди: «*Il s'est allumé comme la motte, alors ? Pourquoi une personne qui ne s'est jamais opposé a fait ça ?*» (Демак у кесакдек чакнабдида?)

³³ Ibidem. – 275-б.

³⁴ Ўша асар. – 3-б.

³⁵ Ibidem. – 276-б.

³⁶ Danielle Morali, *Anthropologie de la lumière. Etudes réunies* [Text]. – Nancy : Presses Universitaires de Nancy, 1994. – 94 p.


³⁷ Ўша асар. – Б.14.

³⁸ A'zam E. *Adieux aux contes de fées*. Publishing House of the Alisher Navoi National Library of Uzbekistan. – Tachkent, 2015. – 311-p.

Нима учун ҳеч қачон қаршилик кўрсатмаган одам бирдан бу ишни қилди? (таржима бизники).

«Пакананинг ошиқ кўнгли» асари таржимасида метафоралар ифодасини ўрганишга бағишланган бўлимда «БАХТСИЗЛИК (хафа, норозилик, тушкунлик) – КИЧИКЛИК (кам миқдор, кичик ўлчов)», «БАХТ – БАЛАНДЛИК», «ИНСОН – ПРЕДМЕТ (НАРСА)», «ИНСОН - ЎСИМЛИК» ёки «ИНСОН – ТАБИАТ», «ИНСОН – ОЗУҚА», «ОЗУҚА – ИНСОН» ва «МАВҲУМЛИК (туйғулар, кечинмалар, ҳиссиёт-ҳолат) – ПРЕДМЕТ» каби концептуал метафоралар таржимаси таҳлил этилган. Мазкур асардан олинган «МАВҲУМЛИК – ЖОНЗОТ» концептуал метафораси мавҳум тушунчаларнинг жонли табиат тимсоли каби ҳаракатланиши қуйидагича очиб берилган:

3 – чизма: “Мавҳумлик – жонзот” концептуал метафораси таржимаси.
Мисол: *Шухратнинг қаноти бор* - *La célébrité avait des ailes*



